

тиришнинг коллектив
маларинг ривожланган
билан қўшиб олиб бо

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1- ва 2-бетларда).

мустаҳкамлаб, ҳамкорликни ривожлантираверди. Бизнинг бу масаладаги позиция- миз маълум, у ўз кучида қолди.

Биз Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатла- ри билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. КПСС, Совет давлати ҳамма халқ- ларнинг ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз ўз со- циал-иқтисодий ҳозирги ку- нини ўзлари танлаган йўл- ларига мувофиқ равишда белгилаб ва келажаклари- ни куриш ҳуқуқини мутта- сил қўллаб-қувватламоқда. Халқларнинг бу суверен ҳу- қуқларини рад этишга ури- ниб беҳуда, маҳкум этил- ган ишдир.

Биз капиталистик мамла- катлар билан нормал, тенг ҳуқуқли муносабатларни ри- вожлантиришнинг сўзсиз та- рафдоримиз. Бахсли пробле- малар, можаброли вазиятлар сиёсий воситалар билан ҳал этилмоғи керак — бизнинг қатъий эътиқодимиз ана шун- дай.

Сиёсий бюро кескинликни юмшатиш жараёнининг дав- латлараро ҳужжатлари, жумладан Хельсинки Янгу- ловчи акти ўз аҳамиятини йўқотган эмас, деган фикр- дан келиб чиқиб иш тутайди. Бу ҳужжатлар тенглик ва

баб-баравар ҳавфсизлик принциплари, дунёда ву- ждга келган реал воқе- ликка амал қилганидан бўлса, бирор устунликка эришишга интилай, балки ўзаро мақбул қарорлар ва ахдлашувлар изланадиган бўлса, халқро муносабат- ларни қай тарзда куриш мумкинлигини кўрсатувчи намунадир. Европада хавф- сизлик ва ҳамкорликка ба- йилланган кенгайишнинг ўн йиллиги муносабати билан Янгуловчи акти имзо че- кан давлатлар — номидан Хельсинкида хавфли кескин- ликни бартараф этишга, халқро ҳаётда тинч ҳам- корлик ва иқтисодий муноса- батларни ривожлантиришга бўл- ган ирода яна ифодаланса, фойдали бўлур эди, деб ўй- лаймиз.

Совет Иттифоқи ўзаро манфаатли принциплар асо- сига қўрилган ва ҳар қандай камситилардан ҳоли бўл- ган самарали ҳамда ҳар то- монлама иқтисодий ва ил- мий-техникавий ҳамкорлик қилиш тарафдоридир; савдо муносабатларини янада ке- нгайтириш ва чуқурлашти- ришдан, томонларнинг ил- мий-техникавий ва техноло- гик аниқликларини биргали- кда ўзлаштиришдан, корхона- ларни лойиҳалаштириш ва қуришдан, хом ашё ресур- сларини ишлаб чиқаришдан ўзаро манфаатдорликка

лашга олиб борадиган йўл- ларни қидириш, ҳамкорлик ку- рганини қуриш, лекин уни ҳар икки томондан қуриш- дир.

Аммо Женева музока- рларининг низоҳасига етган биринчи босқичи Вашингтон Совет Иттифоқи билан ахд- лашува олиб бормаётгани йўлни тўтати, деб айтишга асос бўлади. Бу ҳеч бўлма- са шундан қўриқиб турибди- ки, Вашингтон куруланиши пойгасини космик фазога ёй- маслиқ масаласини ядро қу- роллини чеклаш ва қисқарти- риш тўғрисидаги масала би- лан биргаликда муҳокама қи- лишдан умуман бош тор- моқда. Шундай қилиб у ян- вар ойида космосда курула- ниш пойгасининг олдинчи олиш тўғрисида, ядровий стратегик куруланиш қамай- тириш тўғрисида ва Евро- пада ўртача олисликка ўчи- риладиган ядро куруланиш қамайтириш тўғрисида — ҳар уч йўналишнинг ўзаро боғлиқ эканлиги тўғрисида эришилган ахдномини бўз- моқда.

Бундай позициянинг саба- би нима? — деган савол туғи- лади. Сабаби шундаки, АҚШ- нинг маълум доиралари ҳа- мон дунёда, энг аввало ҳар- биий жиҳатдан устуни даража- га эришилган хоҳламоқдалар. Биз бундай ҳуқуқдорлик қи- лиш режалари истиқболсиз эканлигига Америка томо-

нинг эътиборини кўп мар- та қаратди. Совет Иттифо- қи, унинг дўстлари ва итти- фоқчилари, қолверса тинч- лик ва тинч ҳамкорлик по- зициясида турган бошқа ҳам- ма давлатлар ҳам бирон дав- лат ёки давлатлар гуруҳаси- нинг ҳуқуқдорлик қилиш ва бошқа мамлакатлар ҳамда халқларга ўз иродасини ти- қиштириш ҳуқуқини тан ол- майдилар.

Совет Иттифоқи эса ҳеч қачон бундай мақсадни ўз ол- дида қўйган эмас ва қўймай- ди ҳам.

Биз АҚШнинг ҳозирги по- зициясига тузатиш кирити- лади, бу билан ўзаро мақбул ахдлашува эришиш учун имконият очилади, деб ишонч билдиришни истар эдик. Биз эса бунга ҳамisha тайёриймиз.

Бунга далил — СССРнинг бутун музокаралар даврида ҳар икки томоннинг космик куруланиш яратишнинг таққ- лаб қўйиш, стратегик ядро куруланиш қўйишмаслик ҳақидаги тақдирлар. Совет Иттифоқи ана шу йўл- дан бориб, Европада ўртача олисликка ўчирилган ра- кеталарни жойлаштиришни ва бошқа жавоб қораларни қўйишнинг бир томонла- ма тўхтатиб турилиши эъ- лон қилди. Бу қарор бутун дунёда музокараларнинг му- лима бўлишига олиб бора- диган муҳим ва ико-

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ КЎРИШ НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Мар- казий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг «КПССнинг навабтдаги XXVII съездини чакъириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилди:

1. Совет Иттифоқи Коммунист партиясининг наваб- тдаги XXVII съезди 1986 йил 25 февралда чакъирилсин.
2. Съездин куйидаги кун тартиби тасдиқласин:
- 1) КПСС Марказий Комитетининг Ёшлар ва партиянинг вазифалари — доклад КПСС Марказий Коми- тетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.
- 2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Ёшобот — доклад КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. К. Сизов.
- 3) Янги тахрирдаги КПСС Программаси тўғрисида.
- 4) КПСС Уставига киритиладиган ўзгаришлар ҳақида.
- 5) СССРни иқтисодий ва соиал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида доклад- чин СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Ти- хонов.
- 6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

3. КПСС XXVII съездида вакиллик нормаси партия- нинг 3670 аъзосидан бир делегат қилиб белгилянсин.

4. КПССнинг XXVII съездида делегатлар партия Уставига мувофиқ бўлиб, ўлка партия конференцияларида ва иттифоддош республикалар Компартияларининг съездла- рида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланин. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларининг КПСС XXVII съездида делегатлар бўлиб партия конференцияларида сайланин.

Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларида турувчи коммунист- лар КПСС XXVII съездида делегатларни тегишли терри- ториялар партия ташкилотлари билан биргаликда бўлиб, ўлка партия конференцияларида ёпиқ иттифоддош респу- бликалар Компартияларининг съездларида сайланин.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг чет эллар- даги қисмлари партия ташкилотларида турувчи комму- нистлар КПСС XXVII съездида делегатларни тегишли қў- шин қўшилмаларининг партия конференцияларида сай- ланин.

5. КПСС XXVII съезди арафасидаги ҳисобот-сайлов кампанияси қуйидаги мўддатларда: бошланғич партия таш- килотларидаги йиғилишлар — шу йил сентябрь-ноябрь

ойларида; район, шаҳар, округ партия конференциялари — ноябрь-декабрь ойларида; область, ўлка партия конфе- ренциялари — 1985 йилнинг декабрь — 1986 йилнинг январь ойларида; иттифоддош республикалар Компартияларининг съездлари 1986 йилнинг январь ойида — февраль ойи- нинг бошларида ўтказилсин.

6. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда, иттифоддош республикалар Компартияларининг съездла- рида партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишлар чуқур ва атрофлича қўриб чи- қилсин, ҳўжалик ва маданий қурилишга партиянинг раҳ- барлик масалалари, ташкилий-партиявий, идеологик иш- нинг аҳоли батафсил муҳокама қилинсин.

Ҳисобот-сайлов кампанияси давомида партия ташки- лотларининг, меҳнат коллективларининг куч-гайратларини 1985 йилни ва умуман ўн биринчи беш йиллигини муваф- фақиятли тугатлашга, ўн иккинчи беш йиллик планлари- ни бажаришга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик қўриш- га, иқтисодий ва соиал тараққиётнинг энг муҳим пробле- маларини ҳал этишга, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, планлаштириш ва бошқариш тақомил- лаштириш, халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида уюш-

қоқликни, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқаришни бутун қоралар билан интенсификашга қаратиш зарур. Съезддоли социалистик мусобақасини авж олдиришда коммунистларнинг авангардлик роли, ички резервларни аниқлаш ва улардан яхшироқ фойдаланиш соҳасидаги қимматли ташаббусларни амалий равишда қўл- лаб-қувватлаш таъминлансин.

Партия йиғилишлари, конференциялари ва съездлари ишчанлик, принципиаллик, партия ташкилотлари ва улар- нинг раҳбар органлари ишига баҳо беришга ўз-ўзини тан- қид нуктадан назардан ёндаиш вазиятида ўтиши лозим. Ҳисобот ва савловлар партия турмушининг ленинча нор- маларини янада мустаҳкамлашга, ички партиявий демок- ратияни, юқоридан ва қуйдан танқидни ривожлантириш- га, коммунистларнинг активлиги ва ташаббусдорлигини ўстиришга, уларнинг ўз ташкилотларидаги ва умуман партиядаги ишлар учун масъулиятини оширишга қўмакла- шини муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети КПСС XXVII съездида тай- ёргарлик юксак ташкилий ва ғовий-сиёсий даражада, партия сафларининг мустаҳкам жиқлиги, партия билан халқ- нинг бўғизмас бирлиги белгиси остида ўтади, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Егор Кузьмич ЛИГАЧЕВ



Уртоқ Е. К. Лигацев 1920 йилда туғилган, миллати рус, 1944 йилдан КПСС аъзоси. С. Оржоникидзе номи Москва авиация инсти- тутини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабни та- момаган.

Институтни битириб чиқ- қанидан кейин Новосибирск шаҳридаги авиация заводи- да инженерлик лавозимлари- да ишлаган, ВЛКСМ Ново- сибирск область комитети-

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Николай Иванович РИЖКОВ



Уртоқ Н. И. Рижков 1929 йилда туғилган, мил- лати рус, 1956 йилдан КПСС аъзоси. С. М. Киров номи- даги Уралск политехника институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1950 йилда С. Оржоникидзе но- мидаги Уралск оғир маши- насозлик заводининг смена мастери лавозимидан бош- лаган, шу ерда пролет бош- ларига, цех бошлиғи, бош пайвандчи, директор ўрин-

босари бўлиб ишлаган, 1965 йилдан эса — бош инже- нер. 1970 йилдан бошлаб Н. И. Рижков — шу завод- нинг директори, сўнгра эса «Уралмаш» ишлаб чиқа- риш бирлашмасининг бош директори.

1975 йилда оғир ва транс- порт машинасозлиги ми- нистрининг биринчи ўринбо- сари, 1979 йилда эса СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлан- ган.

КПСС Марказий Комите- тининг 1982 йил ноябрь Пленумида Н. И. Рижков КПСС Марказий Комитети- нинг секретари қилиб сай- ланди. А.Ини вақтда у КПСС Марказий Комитетининг эконо- мика бўлимига мудирлик қилди.

Н. И. Рижков 1981 йил- дан КПСС Марказий Коми- тетининг аъзоси, СССР Олий Совети (9—11 чақи- риқлар) ва РСФСР Олий Советининг депутаты. Икки марта СССР Давлат муко- фотининг лауреати.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Виктор Михайлович ЧЕБРИКОВ



Уртоқ В. М. Чебриков 1923 йилда туғилган, мил- лати рус, 1944 йилдан КПСС аъзоси. Днепротет- ровск металлургия институ- тини тамомлаган.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бош- лаб фронтда бўлди: Жануби- гарбий, Сталинград, Воро- неж, Степной, 1- ва 4-Укра- на фронтларида оддий аскар бўлди, взвод, рота, батальон- га командирлик қилди.

Урушдан кейин, инсти- тутни битиргач, Петровский

Днепротетровск металлургия заводида инже- нер бўлиб ишлади. 1951 йилдан партия ишига ўтди. Райкомининг биринчи секре- тари, заводида КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси, шаҳар партия комитетининг иккинчи ва биринчи секретари, Дне- протетровск область партия комитетининг секретари, ик- кинчи секретари бўлди.

1967 йилдан В. М. Чебри- ков — СССР Давлат хавфсиз- лиги комитети кадрлар бош- қармасининг бошлиғи, сўнгра комитет раисининг ўринбоса- ри, биринчи ўринбосари бўлди. 1982 йил декабрда СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этиб тайинланди, армия генерали.

1971 йилдан — Марказий Комитет аъзоллигига канди- дат, 1981 йилдан эса, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида В. М. Чебриков КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат қилиб сайланди.

СССР Олий Совети (9— 11 чақириқлар) ва РСФСР Олий Советининг депутаты. СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳ- нат Қўрамови.

СУҲБАТ БЎЛИБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комите- ти Сиёсий бюросининг аъзо- си, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўрин- босари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Со- вет — Хитой сиёсий масла- ҳатлашувларида қатнашаёт- ган ХХР ҳўкуматининг мах- сус вакили, ХХР ташқи иш- лар министрининг ўринбо- сари Цян Цичэни 22 апр- ель кунин қабул қилди.

Суҳбат чоғида СССР би- лан ХХР ўртасидаги муно- сабатларнинг ҳозирги ҳола- ти ва бу муносабатларни ри- вожлантириш истиқболлари масалалари юзасидан фикр- лашиб олинди.

А. А. Громико Совет Иттифоқи инкала мамлакат

ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

23 апрель кунин Тошкен- та Ўзбекистонда халқро ёш- лар йилини ўтказувчи рес- публика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисини комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова олий борди.

Ёшлар йили режаларига мувофиқ амалга оширилган барча тадбирлар ёшлар- нинг ғовий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада яхши- лашга, уларнинг меҳнат ва жамоат активлигини ошириш-

ГАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА ШАНБАЛИККА ЧИҚАМИЗ

1965 йилнинг 4 майида совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Галабаси 40 йиллигига бағишланган Бутун иттифод коммунист шанба- лигига бағишланган. Москва, Ленинград, Волго- град корхоналари ва ташкилотлар коллективларининг ташаббуси кенг жаёсда маъқулламоқда. Қаҳрамон ша- ҳарлар — Киев, Минск, Одесса, Севастополь, Ново- россияйск, Керчь, Тула ҳамда Брест шаҳри меҳнаткаш- лари бу ташаббусни биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар. Улар КПСС Марказий Комитетига йўллаган мактублари ва муножаатномаларида ватанпарварлик ташаббусини ас- тойдил маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳаётимизда ҳамма учун айниқса азиз бўлган бир байрам бор, дейилган муно- жаатномаларда, бу байрам Улуғ Ватан урушидаги Га- лаба кунидир. Мамлакатни- мизнинг осмонни қариб 40 йилдан бери мусаффо ва осойишта бўлиб турибди. Йиллар ва ўн йиллар ўтар, аммо энг оғир синовларда, жонларини аямая, макор душманин ер билан яқсон қилган, социалистик Ватан- нинг шон-шарафини ва муста- қиллигини қатъий туриб ҳи- моя қилган жангчилар, мар- тиданларнинг, яширин ша-

банинг манбаларига қайта- қайта назар ташлаб, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонла- рига тенгшашинга интила- миз, ёш авлодин юксак ватанпарварлик фазилатла- рини, Ленин партияси ишига узлусиз сажоат руҳида тарбиялаш учун уларнинг ҳаёт тажрибасидан ва маъ- навий намуналаридан фойдала- намиз.

Шодиёна Галаба байрами арафасида тинчликдан азиз нарса йўқлигини, аммо унинг учун фидокорона меҳ- нат қилиш кераклигини ай- ниқса аяхси ҳис этасан, киши.

Ҳар бир совет кишиси шунинг аниқлаб, фақат зарбдор, иқидий меҳнатига Совет- лар мамлакатининг иқтисо- дий ва мудофаа қуратини ошириш, халқнинг ошиб бо- раётган маънавий ва моддий эҳтиёжларини ҳар томон- лама, тўлиқроқ қондириш, социализмнинг халқро по- зицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлаш имконини

қувватлашди. Бу ердагилар тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига 4 май- да икки смена ишлаб, шу кунин 20 минг сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

МИНСК меҳнаткашлари умумхалқ байрами зарбдор текин меҳнат қилиш билан нишонлайдилар. «Белавто- биль» бирлашмаси автомо- бил заводининг, КПСС XXV съезди номидаги «Интеграл» ишлаб чиқариш бирлашмаси- нинг, Октябрь революцияси номидаги станоксозлик бир- лашмасининг, «Минск мотор заводи» ишлаб чиқариш бир- лашмаси мотор заводининг, Т. Я. Киселев номидаги ма- шини мовут ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Минск рай- онидagi Гастелло номи кол- хозининг коллективлари бар- ча меҳнатчиларини шу кунин стахановчасига ишлашга, меҳ- нат унумдорлигини ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чи- қариш мақсоти борица оши- ришга эришилган қақридир.

Минск корхоналарининг юзлаб бригадалари, участка- лари, цехлари Галаба кунига беҳ ийиллик топириқ- ларини бажардилар.

ОДЕССАДАГИ «Центро- лит» куюв заводи, Январь қўзғолгани номи оғир кран- сўзлик бирлашмаси Қора

Войков номидаги КЕРЧЬ металлургия заводининг кол- лективи «Тинч меҳнатининг Буюк Галабанинг 40 йил- лигига бағишлаймиз» деган шор остида меҳнат қилади. Денгиз савдо портининг кол- лективи энг юксак меҳнат унумдорлигига эришилсин белгилади: 5,5 минг тонна юкни ортиш ва туширишга, 50 та темирйўл вагонига юк ортишга қарор қилди.

ТУЛА ишчилари ҳам Га- лабанинг 40 йиллигини фи- докорона меҳнат билан ни- шонлайдилар. Қурул-аслаҳа заводи, В. М. Рижков но- мидаги машинасозлик заво- ди, «Чайка» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тулгорстрой» куриш бошқармаси, поли- техника институтининг кол- лективлари 4 майни умум- халқ меҳнат байрамига ай- лантиришга қақридилар. Шу кунин хизматчилар ҳам, сту- дент ёшлар ҳам, шунингдек кескалик гаштини суриб ҳордиқ қақариётган меҳнат ва уруш ветеранларининг анчагина қисми ҳам иш жойларига чиқарилди.

Брест қалъаси қаҳрамон- лари шухратига қўйилган шаҳар — БРЕСТАДАГИ КПСС XXV съезди номи электр механика заводининг, устки трикотаж фабрикаси ва би- никорлик материаллари ком-

бинатининг ходимлари бар- ча меҳнаткашларни 4 май кунин коммунист шанба- ликка қиқишга қорладилар.

Ҳар биримиз, дейишмоқ- да мамлакатда ўтказилаёт- ган митинглар, йиғилишлар- нинг қатнашчилари, тинч- ликнинг тақдирини учун, Ва- танининг мудофаа ва иқтисо- дий қуратини мустаҳкам- лаш учун масъулиятини ан- глаш турбимиз. Миллионлар- нинг зарбдорларча ўт- казишга қақридилар. Шун- дай қилиш бизнинг ватан- парварлик ва интернационал бурчимиздир, дейишмоқда совет кишилари. Бу — фа- шизм устидан тарихий Га- лаба қозонган, ер юзиди тинч- лик ишини ҳимоя қилиб қолган кишиларнинг муқад- дас хотирасига ҳўрмат ни- шонаси.

